

ФИДОЙИ ХОДИМЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Дўстлик»

ордени билан

Очилдиев Сайфиддин Сайилович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

«Мардлик» ордени билан

Эркинов Дониер Эркинович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«Жасорат»

медали билан

Абдурасулиев Турсинбай Идаитуллаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Бойхуджаев Гайрат Хуснидинович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлини бошлиғи

Жумаев Санжар Абдисаламович – Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Жумаев Ҳаким Хусанович – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Жуманиёзов Фуломбек Исмаилович – Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

Кадирова Дурдонахон Рустамовна – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Маъмуров Умиджон Эгамназарович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Нарзикулов Содиқ Камолович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Нишанов Адхам Ахмаджонович – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Разақов Барҳаётжон Муротович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

«Содиқ хизматлари учун»

медали билан

Алламуратов Хожиакбар Файзуллаевич – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бабарахимов Фуломжон Мадаминович – Фарғона вилояти Ички

ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Жалолов Мирқодир Мирхожиевич – Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Илесов Махмуд Улмасович – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

Нураддинов Оринбасар Турсинбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Шарипов Уктам Нормуминович – Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими тергов бўлини бошлиғи

«Шухрат» медали билан

Боймирзаев Адхамжон Акрамович – Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлини катта тезкор вакили

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фидокорона хизматлари эътироф этилган ҳамкасбларимизни Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан чин дилдан муборақбод этамиз!

УНВОН МУБОРАК, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Юртимизда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўрсатган фидокорона хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан куйидаги ички ишлар идоралари ходимларига навбатдаги «полковник» махсус унвони берилди:



Суннатulla Абляровиц РАХМАНОВ — Ўзбекистон Республикаси ИИБ Алоқа бўлими бошлиғи



Суннат Фарходовиц АХМЕДОВ — Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (Самарқанд шаҳри) бошлиғининг биринчи ўринбосари



Фуркат Абдуллаевич АДНАЕВ — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати фельдъегерлик бошқармаси бошлиғи



Фахриддин Илмуродовиц ХОЛОВ — Навоий вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари — Тергов бошқармаси бошлиғи



Шавкатжон Ибрагимовиц ОДИЛОВ — Сирдарё вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари



Равшан Азадбековиц ЮНУСМЕТОВ — Хоразм вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари — Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

Хабар

Навоий вилояти ИИБ ЙХХБда адлия бошқармаси ва ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ҳамкорлигида қонунчилик тарғиботида бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг 10 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан шахсий таркибга керакли тушунчалар бериб ўтилди.

ШАХСИЙ ТАРКИБ ЭЪТИБОРИГА ЕТКАЗИЛДИ

Жумладан, мазкур қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгартишлар тўғри-

сида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни амалиётга татбиқ этиш, уларнинг ижросини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимларининг устувор вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Юқоридаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўзлаштириш, уларнинг ижросини

таъминлашда адолатлилик, инсонпарварлик ва демократия тамойилларига оғишмай амал қилиш муҳимлиги уқтирилди. Йиғилишда сўз олганлар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, тизимни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишди. Қизиқарли савол-жавобларга бой бўлган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Фаррух ЯКУБОВ, Навоий вилояти ИИБ ЙХХҚ ва ЮТБ катта инспектори, лейтенант.

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Жиноятчиликка қарши курашиш миллий агентлигининг Яқин Шарқ ва Осиё бўйича халқаро бошқармаси раҳбари Аннет Норис ҳамда ушбу агентликнинг минтақавий координатори Фредерик Хеллондан иборат делегация расмий ташриф буюрди.

Делегация аъзоларини республика Ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Т. Тош-

пулатов қабул қилди. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар икки давлат ўртасида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнун эканликларини изҳор қилишди. Ушбу учрашув ҳам бунинг тасдиғи эканлиги қайд этилди. Шунингдек, бутун куч ва имкониятлар сўнгги йилларда трансмиллий хусусият касб

этаётган наркотрафик, одам савдоси, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга йўналтирилиши, бунда жаҳон ҳамжамияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳар икки томон ҳам трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг хавфини камайтириш борасида саъй-ҳара-

катларни янада кучайтиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Музокаралар якунига кўра Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Жиноятчиликка қарши курашиш миллий агентлиги ўртасида Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўзаро англашув Меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши, одам савдоси, кибержиноятчилик, молиявий жиноятлар соҳасида икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро тажриба ва ахборот алмашишини, шунингдек биргаликда бундай жиноятларни аниқлашга, бартараф этишга қаратилган тадбирлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ходимлари учун тренинглари ўтказишни кўзда тутди.

Ўз мухбиримиз. А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

Байрам тилаклари

КҮНГИЛАР ИФТИХОРГА ТҮЛА



Ҳар бир халқ ўз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи улуг саналарни зўр тантана билан кутиб олиш ва ўтказишга интилади. Бизнинг Ватанимизда байрамларимизга бошқа халқларга қараганда ўзгача эътибор ва аҳамият берилади. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида кенг кўламли ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот тадбирлари «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбеки-

тоним!» деган эзгу ғоя остида амалга ошириляётганлиги ҳам бежиз эмас.

Бу ёруғ оламда эллар кўп, юртлар бисёр. Лекин бугун умргузаронлик қилаётган ватандошларимиз киндик қони тўкилган, улуг аждодларимизнинг табаррук қадамлари теккан тупроқ — она Ўзбекистонимиз курраи заминда танҳодир.

Истиклол шарофати билан юртимиз қиёфаси буткул ўзгариб, уни дунё таниди, тан олди. Ўтган давр ичида жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар бугун жаҳон аҳлини ҳайратга солиб, Ўзбекистон тажрибаси ўрганишга, татбиқ этишга муносиблиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Ахир тарихан қисқа муддатда шаҳар-қишлоқларимиз ободонлашди, йирик саноат корхоналари ҳамда янги магистраль ва темир йўллар қурилиб фойдаланишга топширилди, миллий кадриятларимиз тикланди. Албатта, бу оламшумул ютуқлар ҳар бир юртдошимиз қалбини завқу шавқ, гурур ва ифтихорга тўлдирмоқда. Бу улуг байрам ички ишлар идоралари сафида узоқ йиллар хизмат қилиб, эндиликда нафақа гаштини сураётган фахрийларга ҳам беқиёс қувонч бахшида этмоқда.

Шу кунларда жаннатмакон диёримизнинг ҳар бир гўшасида қутлуг санани зўр шодиёна билан ўтказиш касб-коридан, миллатидан, ёшидан қатъи назар, барчанинг дил тўридаги энг муқаддас ниятига айланган. Зеро, байрам шуқуҳи ва олам-олам завқини бор-басти билан осойишталик, ҳамжихатлик, бағрикенглик, барқарорлик ҳукм сурганидагина туйиш мумкин бўлади.

Президентимизнинг ташаббуслари билан ўтказилган кенг қамровли илоҳотлар туфайли хизмат фаолияти янада такомиллашган ҳуқуқ-тартибот идоралари бу борада улкан ишларни амалга оширмоқда. Бу улугвор вазифалар ижросини олдинги марраларда туриб на ором, на тин олишни билмайдиган, бутун ҳаётини эл-юрт осойишталигини асрашга бағишлаган ички ишлар идораларининг шахсий таркиби ҳам бебаҳо мукофотга — эл-юрт дуосига сазовор бўлмоқда.

Фахрийларимиз ҳам ўз маслаҳатлари, тажрибалари билан бундай савобли ишларга баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Шу ўринда



Кексаларни эъзозлаш йилида республика ИИВ томонидан фахрийларимиз ижтимоий, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаб, вазирлик раҳбариятига фахрийларимиз номидан чексиз миннатдорлик билдира-миз.

Фурсатдан фойдаланиб, республика ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзолари номидан мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимларини, фахрийларни ва уларнинг оила аъзоларини энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик куни билан қизгин муборакбод этамиз. Уларга узоқ умр, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, эзгу ишларида ҳаммиша омад ёр бўлиб қолишини тилаймиз.

Гофуржон РАҲИМОВ, ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор.

Хушxabар



ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар ИИББ тиббиёт бўлими қошида «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига қарашли янги замонавий дорихона очилди. Тадбирда республика ИИВ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББдан масъул ходимлар иштирок этди. Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш. Абдуллажоновна сўзга чиқиб, ушбу компания билан истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бу ўз навбатида келажакда

вилоятларда ҳам мана шундай дорихоналар очишга замин яратишини айтиб ўтди. — Вазирлигимиз ва бош бошқарма раҳбарияти томонидан ички ишлар идоралари ходимлари манфаатини кўзлаб яратилаётган бундай имкониятлар барчамизга байрам совғаси бўлди, — дейди тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ИИББ тиббиёт бўлими бошлиғи, катта лейтенант С. Қиличева. — Пойтахтимиз осойиш-

талиқ посбонларига кўрсатиляётган бундай эътибор учун миннатдорлигимизни билдира-миз.

Тадбирда иштирок этган «Дори-дармон» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари С. Асатов осойишталик посбонларини арзон нархдаги, сифатли дори-дармонлар билан таъминлашдан мамнун эканликларини изҳор этди.

Г. ЧОРИЕВА, А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

Қасамёд

ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Юртимиз бўлаб улуг айём — Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги нишонланаётган шу кунларда республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида ички ишлар идоралари сафдорлар таркибининг навбатдаги қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни Истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллиги билан қутлади. Бу тантана ҳар бир ходимнинг ҳаётида ўчмас из қолдиришига ҳеч бир шубҳа йўқлигини, халқига хизмат қасамёдини қабул қилиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаслигини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун қилаётган қасамёдига, танлаган касбига содиқ қолишга чақирди. Курсантларга ўқишда, касбий маҳоратларни ўзлаштиришда ҳамда келгуси фаолиятларида улкан зафарлар тилади.

Шундан сўнг курсантлар юксак гуруҳ билан хизмат қасамёдини қабул қилишди. Тадбирда ўқитувчилардан лейтенант

Р. Розиев, ота-оналар номидан Қ. Нишонбоев сўзга чиқиб, тантана иштирокчиларини табрикларди. Келгуси хизмат фаолиятида улкан зафарлар тилади. Курсантлар номидан сўзга чиққан курсант Д. Аҳметов қабул қилган қасамёди уларни хизмат бурчига янада содиқ бўлишга ундашини, юрт осойишталигини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда масъулиятни бунданда оширишни таъкидлаб ўтди.

Тадбир якунида курсантлар аъёнага кўра саф кўшиқлари билан ўтишди. Сўнгра ота-оналар ва яқин қариндошлари курсантларни унутилмас кун билан қутлашди.

Ж. МИРЗАЕВ,
сержант.

Худди шундай тадбир республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар марказида ҳам бўлиб ўтди.

Тантанали маросимга курсантларнинг қувончларига шерик бўлиш мақсадида уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва тақлиф этилган меҳмонлар ташири буюрди. Давлатимиз мадҳияси янгради. Шундан сўнг курсантлар бирин-кетин юрт осойишталигини таъминлашга, бурчига содиқ қолишга қасамёд қилишди.

Тадбирда марказ бошлиғи, полковник Х. Дўсмаатов сўзга чиқиб, йиғилганларни Мустақиллик байрами билан табриклар экан, қасамёд қабул қилиш маросимининг шундай қутлуг сана арафасида бўлаётгани рамзий маъно касб этишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ишлар, ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор, тинчлик-осойишталиқнинг нақадар улуг неъмат, уни асраш йўлида хизмат қилиш



эса улкан бахт эканини эътироф этди.

Маросимда ота-оналар номидан сўзга чиққан З. Шамсиева ёшларнинг ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, жисмонан соғлом бўлиб камол топишлари учун қилинаётган гамхўрликлар, яратилаётган шароитлар учун ҳуқуматимиз ва республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди. Ўз фарзандини юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир инсон этиб тарбиялаш ҳар

бир ота-онанинг эзгу орзуси эканлигини гуруҳ билан эътироф этаркан, саф майдонида мағрур турган курсантларнинг билдирилган юксак ишончни оқлашлари йўлида уларга куч-қувват тилади.

Ўз навбатида, курсантлар номидан сафдор Ш. Эргашев ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда тинчлик-осойишталиқни сақлаш йўлида виждонан хизмат қилиб, билдирилган юксак ишончни оқлашга тантанали ваъда берди.

— Бугун табиат ҳам ўзгача, — дейди 76 ёшни қаршилаган сурхондарёлик У. Маматова. — Атрофда эсаётган майин шабада кузнинг эшик қоқиб келаётганига ишорадек. Барча ота-оналар қатори мен ҳам неварам Дилшоджоннинг қувончли кунини бирга эканимдан жуда хурсандман. Биз, кексалар ҳар доим юртимизга тинчлик-омонлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қиламиз.

Дарҳақиқат, қадамларидан ўт чакнаб турган, кўзларида шижоат акс этган мана шундай довурак ҳамда мард осойишталигимиз қосибонлари бор экан, озода ва обод Ватанимизда тинчлик ҳукм сураверади.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.

▼ Тадбир

Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами юртимизнинг барча гўшаларида муносиб нишонланмоқда. «Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу гоёни ўзида мужассам этган давра суҳбатлари, викториналар, байрам дастурлари барчага манзур бўлаётир.

Республика ИИБ Академиясида бўлиб ўтган «Ватанга хизмат қилиш — энг олий саодатдир» деб номланган викторина ҳам барчада илиқ таассурот

ИҚТИДОРЛИ ТИНГЛОВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

қолдирди. Унда ИИБ Академияси 2-ўқув курсининг «Мустақиллик ниҳоллари», 3-ўқув курсининг «Истиқлол умидлари» ва 4-ўқув курсининг «Фидойи ёшлар» жамоалари ўзаро беллашди. Тингловчилар дастлабки шартда истиқлол арафасида мамлакатимизда рўй

берган воқеалар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни ўз чиқишлари орқали намойиш этдилар. Бунда улар Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асаридан муҳим манба сифатида фойдаланишди.



Викторинанинг иккинчи босқичида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, истиқлол даврида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга оид саволларга жавоб беришди. Учинчи шарт эса тингловчиларнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қай даражада билиш хусусида бўлди. Мазкур шартда тингловчилар ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли айна пайтда юз бераётган ижобий натижаларни тақдирот шаклида намойиш этдилар.

Тадбир тингловчиларга сиёсий, ижтимоий, тарихий, ҳуқуқий билимларини яна бир бор синовдан ўтказиш имконини берди. Ҳар бир шартни маҳорат билан бажариб, ўзларининг юксак билимга эга эканини намойиш қилган 4-ўқув курсининг «Фидойи ёшлар» жамоаси голибликни қўлга киритди.

Кўрик-танлов сўнггида янграган дилрабо куй ва кўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Фарғона вилояти ИИБ ШТБХ ҳамда ШТБМИ ҳамкорлигида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ ҳамда кўриқлаш бошқармаси ходимлари иштирок этган йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Б.Носиров, шахсий таркиб бўйича махсус инспекция бошлиғи, подполковник О. Сатимбоев, вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, майор А. Шерматовларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар идораларида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Соҳани ҳар томонлама билимли, жисмонан ва маънан етук, она-Ватани ва касбига содиқ, ҳалол, мард ҳамда фидойи кадрлар билан тўлдириш орқали ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамлиги, тинчлик-осойишталик бардавонлигига эришилмоқда.

Подполковник Б.Носиров ички ишлар идоралари ходимлари олдига

қўйилган долзарб вазифалар, уларнинг хизмат интизоми ҳақида гапираркан, эгнига хизмат либосини кийган ҳар бир йигит-қиз, аввало, ўзига билдирилган юксак ишончни оқлаши, Ватан туйғусини теран ҳис этиши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, ёш ходимларнинг касбий маҳоратини оширишда «Устоз-шогирд» аънарасига таянган ҳолда иш ташкил этиш муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

— Жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишта турмушини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» фох этиш — жасорат, касб маданияти ва фидойилик талаб этадиган иш, — деди вилоят ИИБ ШТБМИ бошлиғи, подполковник О. Сатимбоев. — Аммо орамизда бундай шарафли соҳага адашиб кириб қолган, нафс алдовига учиб, ҳамкасбларини уялтириб кўяётган ходимлар ҳам учраб ту-

рибди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ўқув машғулотларини, маънавий-маърифий аҳамиятга эга тадбирларни кўпроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Айтиб ўтилганидек, ҳар бир ички ишлар ходими хизмат фаолияти давомида амал қилиши лозим бўлган хизмат интизоми қоидалари, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Хайъати қарорлари, тегишли буйруқ ва кўрсатмалар мавжуд. Уларга амал қилиб, ҳамиша қатъият ва ҳалоллик билан ишлаган ходим халқ орасида ҳам, касбдошлар орасида ҳам обрў-эътибор қозонади. Аксинча, шарафли касби ва зиммасидаги масъулиятни унутганларнинг эса қандай аҳволга тушаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Йиғилиш давомида вилоят ИИБ ШТБХ ҳамда ШТБМИ томонидан тайёрланган видеоролик ҳамда халқаро террорчилик ташкилотларининг жирканч қилмишлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Фитна» номли фильм намойиш этилди.

Абдусот СИДДИҚОВ.
Фарғона вилояти.

МАРКАЗДА ДАВРА СУҲБАТИ

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш йўналишида бошланғич тайёргарликдан ўтаётган курсантлар билан соҳага оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ИИБ ППХ ва ЖТСББ, Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригада-си, Бектемир тумани ИИБ ҲООБ масъул ходимлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар тизим ходимларининг хизматини ташкиллаштириш, нарядларнинг пиёда ва автоўналишларда хизмат олиб бориш тартиби ҳамда профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлиги хусусида атрофлича тушунчалар беришди. Курсантлар томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўргазмалар чиқишлар намойиш этилди.

Курсантлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Аваз ЭШҚУЛОВ,
майор.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ – ЭЪТИБОРДА



Хоразм вилояти ИИБ котибияти, соҳавий хизматлар ҳамда шаҳар ва туман ИИБлари канцелярия ходимлари иштирокида ўқув-семинар машғулотидан ўтган.

Тадбирда вилоят ИИБ ИХХҚ ва ЮТБ катта инспектори, подполковник Ш. Юсупов юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар ҳамда келгусидаги долзарб вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, нотик «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти юзасидан ҳам ўзининг фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Шундан сўнг вилоят ИИБ котибияти бошлиғи, подполковник А. Ражабов сўзга чиқиб, фуқаролар мурожаатларини қайд қилиш, назоратга

олиш ва назоратдан чиқариш тартиби тўғрисида батафсил тушунчалар берди. Ўқув-семинар машғулотидан ички ишлар идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган «Ишонч телефонлари» ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш тартибига киритилган қатор ўзгаришлар, амалиётда учраётган, ўз ечимини кутаётган баъзи муаммолар бўйича ҳам аниқ маълумотлар, уларни ҳал этиш борасида таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб олдилар.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.



Суратларда: ўқув-семинар машғулотидан лавҳалар. Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Долзарб мавзу

ПАХТА – МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ уни ёнғинлардан асрашга барчамиз масъул

Юртимиз пахтакорларини ўта масъулиятли давр – йиғим-терим мавсуми кутиб турибди. Айни пайтда далаларда машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини кўриб кўз қувонади. Галдаги вазифа ана шу ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ёнғинлардан асраб йиғиштириб олишдан иборат.

Алоҳида қайд этиш жоизки, пахта ҳосилини исроф қилмай йиғиб-териб олиш ва қабул пунктларига ўз вақтида топшириш ҳамда уларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида биринчи ўринда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Бу вазифа ҳар бир деҳқон-фермер ҳамда ишчи-хизматчилар, қайта ишлаш корхоналари ва қабул пунктлари раҳбарлари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари амалиётга масъул шахслар зиммасига юклатилиши, улар эса, ўз навбатида, жараённи мунтазам назорат этиб бориши лозим.

Маълумки, пахта толаси тез ёнувчан модда ҳисобланиб, у арзимас учкундан аланга олиши ва катта тезликда тарқалиб, узок вақт тутаб ёниш хусусиятига эга. Қолаверса, пахта хомашёси қайта ишлаш даврида ўз-ўзидан алангаланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда хушёр бўлиш талаб этилади.

Йиғим-терим мавсумидан олдин пахтани териш ва ташишга жалб этилган техникалар, корхона ҳамда қабул пунктлари бирламчи ёнғинни ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланиши, пахта ғарамларини ташкил этиш, туннел қазилари ва бошқа

ёрдамчи вазифаларни бажарувчи кичик механизмлар, барча турдаги технологик қурилмалар, ёнғинга қарши ҳимоя воситалари соз ҳолатга келтирилиши шарт. Шунингдек, пахта ташишга жалб этилган техникалар, кичик механизмлар ва технологик қурилмалар билан ишловчи ишчи-хизматчилар, ҳайдовчилар, корхона раҳбарлари ва мутасаддилари ёнғин ҳамда техника хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ўтиб, бу борада тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак.

Мавсумга тайёргарлик даврида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларида текширишлар, пахтани териш ва ташишга жалб этилиши режалаштирилган техникалар кўриқдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бар-

араф этиш борасида тегишли ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда содир бўлган пахта ҳосили билан боғлиқ ёнғинлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, жорий мавсумнинг ёнғинларсиз, талафотларсиз ўтишида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга:

- пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларидаги ёрдамчи вазифаларни бажарувчи кичик механизмлардан фойдаланишда техник шартларга қатъий риоя қилиниб, улар устидан доимий назорат олиб борилиши;
- пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларида технологик регламентлар шартларига тўлиқ риоя қилиниши;
- пахтани тозалаш ва ундан чигитни ажратиш механизмла-

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!



Истиқлол ва истиқбол

ЎТГАН АТО ЭТГАН БАХТ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юртдошларимиз қаторида биз, ички ишлар идоралари ходимларини ҳам янада ғурурлантириб, руҳлантириб юборди. Бир неча кундан сўнг мана шу шодиёна кунни энг улуг ва энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Ўтган йилларга назар ташласак, мустақиллик қанчалик улуг неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз: барча жабҳаларда эришилган ютуқларга назар ташлаган ҳар қандай киши қалбида фахр-ифтихор ҳиссини туяди. Бунга ўз ҳаётим ва фаолиятим мисолида тўхталмоқчиман.

Институтни битириб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасида хизмат фаолиятимни бошлаганимда истиқлолнинг илк йиллари эди. Бошқармамиз кўримсиз бинода жойлашган, каталакдек хоналарда 4-5 нафардан ходим ўтирардик. Хизматда фойдаланиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва техника воситалари етишмас, борлари эса эскириб қолган, самараси анча паст эди. Бунисини қўяверинг, ичимлик суви энг катта муаммамиз бўлганди.

Қўриққа олинган объект ва хонадонлар сони жуда кам бўлиб, корхона, ташкилотларнинг талабини улар истаган даражада бажара олмасдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади, соҳада туб ислохотлар ўтказилиб, самарали хизмат қилишимиз учун зарур шароитлар яратиб берилди. Ҳозир нафақат бошқармамиз, балки унинг жойлардаги қуйи бўғинлари ҳам замон талабларига мос қурилган бинолар, алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланган.

Шунингдек, қўриқлаш хизматидан фойдаланувчилар сони ҳам тобора ошиб бораётди. Масалан, ҳозирги кунда 600га яқин корхона-ташкилотлар, 200дан ортиқ хонадонлар ходимларимиз томонидан ишончли қўриқланмоқда. Бундай ютуқларга уларнинг касбига садоқат билан хизмат қилиб, маскан-

лар ишончли қўриқланаётгани сабабли эришилмоқда.

Соҳада хизмат бурчини бажараётган ходимларимизнинг бўш пайтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шароитлар ҳам мақтаса арзигулик. Чунки бошқармамизда ҳар бир ходим хизматдан сўнг ўз севган машғулотидан шуғулланиши учун имкониятлар яратилган. Энг муҳими, шахсий таркиб хизмат кўрсаткичлари ва тартиб-интизомига қараб рағбатлантириб келинмоқда. Шу боисдан ҳар бир ходим ҳамкасбларига ўрнатилган кўрсатишга ҳаракат қилаяпти. Бу борада «устоз-шогирд» аънанаси яхши йўлга қўйилгани, ёш ходимларга соҳанинг ўзига хос сир-асрорларини чуқур ўргатишда тажрибали ходимларнинг мураббий этиб бириктирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, бугун ҳар бир ходимимиз шундай озод ва обод юртда яшаб, Ватан тараққиётига, элу юрт тинчлик-осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшаётганидан фахрланади. Бунинг замирида, шубҳасиз, мустақиллик берган имкониятлар мужассам. Зотан, барчамиз ана шу улуг неъмат туфайли эмин-эркин ишлаб, хотиржам яшаб юрибмиз, рўзгоримиз бут, хонадонларимиз фаровон. Ҳақиқий бахт шу эмасми?!

Шундай экан, келажагимизнинг янада фаровон бўлиши учун барча имкониятларни яратиб берган истиқлолимизни авайлаб-асраш, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ботирбой БАУИТДИНОВ,
подполковник.

Қорақалпоғистон Республикаси.

рига қаттиқ жисмлар тушишининг олдини олиш борасида тегишли чоралар кўрилиши;

- электр сим ва мосламаларнинг доимо соз ҳолатда бўлиши, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилиниши;
- электр ускуналарини ўрнатилган талабларига риоя қилиниши;
- пахта ташиш ва теришга жалб этилган транспорт воситаларининг учкун ўчиригичлари билан тўлиқ таъминланиши, уларнинг доимо соз ҳолатда бўлиши;
- фойдаланиш муддати ўтган кичик механизмларнинг ускуналарини ёки уларни бутунлай янгилаш.

Пахта – миллий бойлигимиз, иқтисодий равнақимиз асосларидан биридир. Шундай экан, уни ёнғин офатидан асрашга ҳисса қўшиш ҳар бир кишининг, ҳаммамнинг иши бўлиб қолаверди.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
ИИВ ЁХББ катта муҳандиси,
майор.

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИШЛАР НАТИЖАСИ

Тинчлик – энг катта бойлик. Тинчлик-осойишталик бор жойда ҳар жабҳада ривожланиш, юксалиш кўзга ташланади, халқ фаровон ҳаёт кечиради. Ана шу улғунъматни асраб-авайлашда, эл-юрт тинчлигини таъминлашда ички ишлар идоралари профилактика хизмати ходимларининг муносиб ҳиссаси бор.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармасининг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик, уларга қарши курашиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда республика ҳудудидаги мавжуд 202 та милиция таянч пункти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликда иш юритяпти.

Сир эмаски, профилактика хизматида юқори натижаларга эришиш кўп жиҳатдан милиция таянч пунктларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу боис мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиляпти. Милиция таянч пунктларининг

барчаси телефон алоқаси, компьютер техникалари билан таъминланган. Шунингдек, уларнинг 33 тасида стационар рациялар мавжуд. Бундан ташқари, милиция таянч пунктлари ҳузурида турли тўғараклар ва кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган.

Жорий йилда профилактика инспекторлари томонидан 169 та, уларнинг иштирокида 293 та жиноят фош этилди. Қидирувда бўлган ўндан ортиқ жиноятчилар ушланди. Ҳар хил ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун уч минг нафардан зиёд шахс профилактика хисобга олинди.

Адашгани, қаровсиз қолгани ва ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун 1200 нафардан ортиқ вояга етмаган ВЕЎН ва ҲПГ хизмат хоналарига келтирилди.

Улар билан ўтказилган профилактик ишлар натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга, Халқ таълими вазирлигига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари, таълим муассасалари ва жамоатчилик вакиллари билан иборат гуруҳлар тузилиб, тунги вақтларда рейдлар ўтказилди. Бунинг натижасида республика бўйича 16 та ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

**Кенесбай
НУРАБУЛЛАЕВ,
подполковник.
Қорақалпоғистон
Республикаси.**

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва қондабузарларни аниқлаш йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг муҳим вазифасидир. Бу борада Андижон вилояти ИИБ ЙҲХБ алоҳида ЙПХ отрядининг 3-сафарбарлик гуруҳи ходимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ЙЎЛДА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Гуруҳи ходимлари ўзлари хизмат олиб бораётган Асака, Марҳамат, Шаҳрихон ва Бўз туманлари ҳудудидаги йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини назорат қилиш жараёнида кўплаб қоидабузарликларни аниқламоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида гуруҳи ходимлари томонидан ўн икки мингга яқин ҳолат аниқланди. Ходимларимизнинг ҳушёрлиги туфайли 250 нафар ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётгани аниқланиб, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинди.

Фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидаларидан бохабар бўлиши, уларда ушбу қоидаларга амал қилиш кўникмасининг шаклланиши йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кескин камайишига олиб келади. Шу туфайли ҳам аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, профилактик тадбир-

ларни ўтказишга алоҳида эътибор берилляпти. Корхона, ташкилот ва маҳалларда, таълим муассасаларида учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда.

Афсуски, шунга қарамастан, ҳудудда йўл-транспорт ҳодисалари оз бўлса-да учраб турибди. Жумладан, шу йилнинг 16 май куни Бўз шаҳарчасининг Аҳмадобод маҳалласи ҳудудида Андижон шаҳрида яшовчи Ҳ. К. ўзининг «Нексия» русумли автомашинасини бошқариб бораётган йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда уриб юборди. Оқибатда пиёда оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди ва у ерда ҳаётдан кўз юмади.

Бу каби йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдаларнинг йўл қоидаларига риоя этмаслиги оқибатида юз бермоқда. Масалан, Шаҳрихон туманидаги 25-мактаб ўқувчиси Оқ олтин маҳалласи ҳудудида йўлнинг

қатнов қисмини велосипедда белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётганида К. Р. бошқарувидаги «КамАЗ» русумли юк автомашинаси томонидан уриб юборилди. Натижада велосипедчи жиддий тан жароҳати билан шифохонага ётқизилди.

Ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатаётган ходимларимиз кўпчилигини ташкил этади. ЙПХ инспекторлари, сержантлар Шаҳбоз Бойматов, Фарҳод Набиев, Ислон Абдуҳолиқов, Фанижон Каримов шулар жумласидан. Уларнинг шиори – ҳар бир ҳаракат иштирокчисини ҳушёрликка чорлашдир. Зеро, йўлларда ҳушёрликни йўқотмаслик, қоидаларга қатъий амал қилиш орқали хавфсизлигимизни таъминлаган, ҳаётимизни бахтсиз ҳодисалардан асраган бўлаемиз.

**Искандар СОЙИББОВЕВ,
кичик сержант.
Андижон вилояти.**

Кармана тумани ИИБ туманлараро кўриқлаш бўлимининг техник кўриқлаш пункти томонидан кўриққа олинган объектлар сони йилнинг ўтган даврида қирқ фоизга ошди. Турли савдо шохобчалари, интернет клублар ҳамда пул айланмаси билан боғлиқ объектлар ва хонадонлар кўриқловга топширилди.



– Ходимларимиз Кармана ва Нурота туманларига хизмат кўрсатишади, – дейди туман ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими отряд командири, лейтенант Улуғбек Рўзиев. – Айни пайтда ходимларимиз томонидан ҳар иккала тумандаги банк муассасалари, халқ хўжалиги объектлари кўриқланмоқда. Техник кўриқлаш пунктига эса бир юз йигирмага яқин савдо дўконлари, ошхоналар, шунингдек, банк муассасалари ва фуқаролар хонадонлари уланган. Кейинги йилларда ходимларимиз томонидан кўриқланаётган объектларда ўғрилик, ташмачилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилмаётгани боис фуқароларнинг бизнинг хизматга ишончи ортиб бормоқда.

Бўлим ходимлари бошқа хизматлар билан биргаликда жиноят, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш тадбирларида қатнашмоқдалар. Жумладан, йилнинг ўтган даврида йигирмага яқин жиноятларнинг очилишида фаоллик кўрсатдилар.

Кармана тумани ИИБ томонидан ўтказилган «Арсенал» тадбирида фуқаро С. А.нинг хонадонига «ГОЗ» русумли ов қуроли ноқонуний сақланаётганини аниқлашда кўриқ-

лаш бўлими взвод командири, сержант Н. Тоиров иштирок эди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ходимлар хизматдан бўш вақтларида ўзлари яшаб турган ҳудуддаги профилактика инспекторига ёрдам беришяпти. Узоқ муддатга чет давлатларга чиқиб кетган, диний-экстремистик кайфиятдаги кишилар, жиноят қилишга мойил шахсларни аниқлашга кўмаклашмоқда.

Кўриқда бўлган халқ хўжалиги иншоотлари, банк муассасалари ва бошқа объектларга жиноятчи шахслар то-

монидан қилинган ҳужумни бартараф этишда шахсий таркиб амалий кўникмасини шакллантириш бўйича ўқув машғулотлари ўтказиб турилибди. Машғулотлар натижалари туман ИИБлари раҳбарияти иштирокида ўтган йиғилишларда муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тегишли хулосалар берилди.

Дарвоқе, бўлим ходимлари Мустақиллик байрамини янги бинода кутиб олмақдалар.

– Албатта, ходимлардан самарали хизмат талаб этиш



монавий мебеллар, компьютер жамланмалари билан жиҳозланган. Техник кўриқлаш пунктига замонавий алоқа воситалари ўрнатилган. Ходимларнинг дам олиши, овқатланиши учун алоҳида хоналар ажратилган. Маърифат хонаси, ходимлар учун ётоқхона ҳам зарур анжомлар билан таъминланган. Бўлимнинг янги биноси ҳар жиҳатдан мукамал қилиб бунёд этилган дейишга арзийди.

Ишончли кўриқлов туфайли хизматга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бунда бўлимда ўзларининг намунали хизматлари билан бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган сержантлар Н. Тоиров, З. Ражабов, кичик сержантлар Ф. Жабборов, М. Хўжаев, сафдорлар Н. Бобоев, Ш. Отақуловларнинг алоҳида ўрни бор.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ,
Навоий вилояти.**

Суратда: сафдорлар М. Мустафоев ва С. Рашинов хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

ХИЗМАТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Сафдор Лазиз Чорикулов Транспортдаги ИИБга қарашли Тошкент темир йўл бекатидаги вокзалолди назорат пунктида хизмат олиб боради. У хизмат фаолияти давомида ҳар куни турфа одамларга дуч келади. Уларнинг феъл-атвори ҳар хил. Шу боис ҳар бирига яраша гап топиб муомала қилиш лозим. Хайриятки, йўловчиларнинг аксарияти назорат-ўтказиш пунктларидаги текширувлар биринчи навбатда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадига қаратилганини яхши тушунадилар.

— Фарзандим оиласи билан пойтахтда яшайди, — дейди «Тошкент-Термиз» поездига чиқаётган Райимбой ота. — Набираларимни кўргани тез-тез келиб тураман. Поездда, бекатларда яратилган шароитлар дилингизни қувнатади. Назорат постларида хизмат бурчини ўтаётган ички ишлар идоралари ходимлари доим сергак. Улар бизнинг хавфсизлигимиз учун кечани кеча, кундузни кундуз демая хизмат қилишяпти.

Аммо шундай фуқаролар ҳам борки...

— Нимага вокзал ичкарисига ўтказмаяпсиз, мен қариндошимни поезд вағони олдиғача қузатиб, жойлашишига ёрдам бермоқчиман, — дейди кимдир.

Яна бирови юкини кўриқдан ўтказганларига жиғибийрон бўлади.

— Нима, мен жиноятчимидим, бунча синчиклаб текширасизлар, — дейди иддао билан.

Лазиз Чорикулов ҳар бир фуқарога хушмуомалалик билан муносабат қилиб, ўз хизмат ваъдасини бажаришга киришади. Унинг қисқарган текширув давомидаги тушунтиришидан кейин кўпчилик ҳозиргина айтган гаплари нотўғри эканини тан олиб, узр сўрайди.

Хуллас, паспорти ва чиптаси жойида бўлган, бирон-бир ноқонуний ҳаракатни режалаштирмаган одамлар тартибқоидаларга табиий ҳолда қарашяпти, мамнун бўлишяпти. Аммо ҳуқуқбузар ва жиноятчилар учун бу ҳақиқий тўсиқ бўлди, десак, янглишмаймиз.

Ўтган йили бир неча нафар қидирувдаги шахс аниқланиб, қўлга олинди. Мисол учун, Сирдарё вилоятида босқинчилик жинояти содир қилган гуруҳ аъзоларининг бири аэропортда, яна бири эса темир йўл вокзалида жиноят изини яши-

риш учун сафарга йўл олганида қўлга тушди. Сирасини айтганда, тармоқ ички ишлар тизимида қидирувдаги шахсларни аниқлаш борасида изчил дастур амал қилляпти.

Транспортдаги ички ишлар идоралари ходимлари нафақат назорат постлари ҳамда ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни очишда фаоллик кўрсатишмоқда, балки давлат мулкига шикаст етказиш ҳолатларига йўл қўймайди, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларда ҳам фаол қатнашишмоқда. Хусусан, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларда, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашувлар ташкил этиляпти. Бу, айниқса, темир йўл линиялари ва бекатларига яқин жойларда анъана тусини олган.

— Темир йўлни белгиланмаган жойларидан кесиб ўтиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, афсуски, рўй бериб турибди, — дейди тармоқ ИИБ ҲООБ инспектори,

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

капитан Қамариддин Раҳмонов. — Белгиланмаган жойдан ўтиб, темир йўл излари бўйлаб бораётган одам ҳозиргина ўтиб кетган поезднинг шовқини остида қарама-қарши томондан келаётган поездни англамай қолади ва арзимасдек туюлган қоидабузарлик ҳатто унинг ўлими билан туғаши мумкин.

— Болалар ва ўсмирларнинг поездларга тош отиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар 2014 йилда етти марта қайд этилган бўлса, жорий йилда бундай ҳолатлар уч марта рўй берди, — дейди тармоқ ИИБ ҲООБ ВЕЎН ва ХПБ бошлиғи, майор Ҳамид Аҳмедов. — Масалан, суд қарорига кўра, «Афросиёб» тезюрар поездига шикаст етказгани учун ўсмирнинг ота-онаси жаримага тортилди, етказилган зарар тўлиқ қопланди. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Йўлнинг бехатар бўлсин, Афросиёб!» номли хужжатли фильм тайёрланди, ички ишлар идоралари ходимлари жой-

ларда бўлган учрашувларда ундан фойдаланишяпти.

Афсуски, айрим фуқаролар билиб, тушунган ҳолда ҳуқуқбузарликка қўл уришади. Самарқандга жўнайдиган поездга чипта олган Даврон (исми ўзгартрилган)нинг қарори ўзгариб, ўрнига акаси кетадиган бўлди. У акасига йўл чиптаси ва фуқаролик паспортини берди. Лекин паспортдаги сурат билан уни тақдим қилаётган шахс орасидаги фарқ синчков ходимлар назаридан четда қолмади. Ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, маъмурий чора кўрилди ва суд қарори билан жарима солинди. Аслида чиптани ўз номига расмийлаштириш унчалик кўп вақт ва маблағ талаб қилмайди.

— Айрим ҳолларда ички ишлар ходимининг қонуний талабини бажармаган ёки унинг ўз хизмат ваъдасини бажаришга халақит берган фуқаролар устидан ҳам далолатнома тузишга тўғри келади, — дейди Тошкент темир йўл бе-

катидаги тармоқ ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Фахриддин Ҳайдаров. — Бу ҳолда ҳам айбдор Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Майор Фахриддин Ҳайдаровнинг таъкидлашича, кейинги пайтда транспортдаги ҳуқуқбузарликлар сони камайиб бормоқда. Ўз навбатида, фуқароларнинг тартиббузарликлар, жиноятлар ҳақида ички ишлар идораларига хабар бериш ҳолатлари кўпайди. Бу биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ошганидан далолат беради.

Темир йўллар мамлакатнинг қон томирига қиёсланади. Унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни беқийс. Шу боис темир йўлларда хавфсизликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Усмон АБДУЛЛАЕВ,
Транспортдаги ИИБ
Тошкент темир йўл
бекатидаги тармоқ
ИИБ ҲООБ катта
инспектори, майор.

Фарғоналик О. Мирзаева
(исми-шарифи ўзгартрилган) яхши ният билан фарзандларига кийим-кечак харид қилиш учун Қўқон шаҳрига йўл олади. Манзилга етгач, автобусдан тушиб сумкасини очиб, пуллари, тилла тақинчоқлари ва телефони йўқлигини кўради. Бундан у саросимага тушмади, айюҳаннос солиб, бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратмади ҳам. Шундай пайтда ички ишлар идоралари ходимларидан ёрдам сўраш кераклигини яхши билгани учун ҳам шеригининг уяли телефонидан Қўқон шаҳар ИИБга қўнғироқ қилиб, ҳолатни тушунтиради.

Орадан кўп вақт ўтмай осойишталик посбонлари етиб келиб, жабрланувчи билан суҳбатлашяпти. Ходимлар ҳар бир нарсани эътибордан четда қолдирмай, жиноятчини топишга тезлик билан киришиб кетишди. Осойишталик посбонлари кўп ўтмай икки нафар шахсни гумон қилинувчи сифатида ушлашди. Аввалига ўзларини қўй оғзидан чўп олмайдиган кишилар қилиб кўрсатган бу кимсаларнинг қўлидаги сумкалари холислар иштирокида очиб кўрилганда жабрланувчига тегишли буюмлар турарди...

ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИ ХОДИМЛАРГА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАЯПТИ

Мақола аввалида ушбу мисолни бежиз келтирмадик. Чунки, ички ишлар идораларининг энг қайноқ бўғини ҳисобланган навбатчилик қисмидан олинган хабарлар асосида воқеа жойига чиқаётган тергов-тезкор гуруҳи аъзолари томонидан кўплаб жиноятлар «иссиқ изида» қош этилмоқда.

Қўқон шаҳар ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, майор Улугбек Иноятов ва навбатчи ёрдамчиси, кичик сержант Дилшоджон Йўлчиев содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар ҳақидаги хабарларни тезкорлик билан қабул қилиб, тегишли тартибда бўлимларга етказишда ҳамкасбларига ўрнатилган бўлаётир. Айни пайтда ҳар куни телефон орқали 50 дан ортиқ муносабатлар қабул қилинапти. Ходимларнинг ҳар бир муносабат ортида инсон тақдирини турганини ҳис қилишга эришишга қўл уришяпти. Аксинча, огоҳлик, ҳушёрликни ўзларининг инсоний бурчи деб тушунган ҳамюртларимиз томонидан ўз вақтида берган хабарлари туфайли содир этилиши мумкин бўлган кўплаб ҳуқуқбузарликлар, ҳатто жиноятларнинг олди олинмоқда.

Шаҳарнинг Муқимий кўчасида яшовчи фуқаролардан бири



ярим тунда қўнғироқ қилиб, икки нафар безори ўзаро жанжаллашаётгани тўғрисида хабар беради. Осойишталик посбонлари воқеа жойига етиб борганида ичкилик таъсирида ваҳшийга айланган кимсалар бир-бирига пичоқ ўқталиб туришарди. Ходимларнинг саъй-ҳаракати билан аҳоли тинчини бузаётган бу шахсларга тегишли чора кўрилди.

Ички ишлар идораларида босқичма-босқич ўтказилаётган изчил ислохотлардан кўзланган мақсад, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш бораси-

да жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари ҳам ана шу талабларга қатъий амал қилаётгани боис хизмат самарадорлиги ортмоқда. Қолаверса, шаҳарда яшовчи фуқаролар ҳам ички ишлар идоралари ходимлари ҳар бир ҳудудда осойишталикни таъминлаш билан бирга, кишиларнинг тинч-тотув яшаши, эмин-эркин ва хотиржам юриши, энг асосийси, баркамол авлоднинг юксак маънавиятли бўлиб улғайиши йўлида озми-кўпми ҳисса қўши-

шаётганини чуқур англаб етишмоқда.

— Шаҳримизда осойишталик барқарор таъминлангани боис, бугун барчамиз тинч, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Фарзандларимиз билим олиб, хунар ўрганиб улғайишяпти. Оқшомларимизнинг осудалигини айтмайсизми. Элимиз ардоғидаги санъаткорлар тез-тез келиб бепул концерт дастурлари намойиш этишмоқда. Саксонга кириб, бундайн фаровонликни кўрмагандим, — дейди Чархий кўчасида яшовчи Абдураҳмон ота Искандаров. — Жонажон диёримизда тинчлик, осойишталик таъминланишида, осмонимиз мусаффолигида ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Юртимиз бундан-да, фаровон бўлсин деб, куну тун дуодамиз. Фуқароларимизга бу йўлда беминат хизмат кўрсатаётган осойишталик посбонлари сихат-саломат бўлсин, уларга куч-қувват тилаймиз.

Ҳа, кўпни кўрган отахонларнинг мана шундай олқишига сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Унинг замирида ходимларимизнинг ватанпарварлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳамisha хушёр ва огоҳлиги, керак бўлса бу йўлда жонини фидо қилишдек эзгу мақсадлари мужассамдир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
Фарғона вилояти.

Суратда: навбатчилик қисми ходимлари навбатдаги хабарни қабул қилмоқда.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига олий мақсад қилиб олди. Бу жараёнда мамлакатни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустақил, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, «ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Утган давр мобайнида қўлга киритилган улкан ютуқлар Юртбошимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган, жаҳон афкор оммаси томонидан жамият тараққиётининг «ўзбек модели» деб тан олинган мазкур стратегик дастур нақадар тўғри эканлигини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистонда тараққиётнинг ушбу модели жамиятнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган. Буни мамлакат ва жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлардан билиб олиш мумкин. Бу борада жаҳон афкор оммаси ҳам мамлакатимизда қисқа муддатларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни объектив равишда юксак баҳоламоқда.

Айниқса, юртимизда бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш масаласида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий мақсад сифатида Президентимиз таъбири билан айтганда, «...уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада, давлатнинг иқтисодий-ни бошқаришдаги родини жиддий камайитириш кўзда тутилган эди. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вази-фаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди».

Бу эса, мамлакатда қонун устуворлиги қарор топишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига олиб келди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув соҳасининг демократлашуви жамият тараққиётини етаклаш билан бирга, инсон камолотини таъминлаш, шахс эркинлигини қарор топтиришда ҳам аҳамияти катта. Юртбоши-

миз айтганидек, «демократия тушунчаси ҳамжихатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминиди шаклланади». Демак, жамоатчилик фикри давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутди.

Жамоатчилик фикри нима, у илк бор қачон ва қаерда шаклланди? Бу фикр кишилар мажмуасининг ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатидир. У илк бор ривожланган давлатлардан бири Англияда XVII асрда қўлланган бўлса, XVIII асрдан бошлаб дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг тарқалган. Гегель жамоатчилик фикри ҳақида тўхталиб, уни халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир, дейди. Жамоатчилик фикрида кундалик онг назарий онгдан кўра кучлироқ ўз аксини топади. Чунки муайян жараён, воқеа ва ҳодисага нисбатан ҳамма ҳам назарий жиҳатдан ёндашмайди, яъни илмий фароздан кўра, ўткинчи ҳис-туйғулар, ўзгарувчан фикр устуворлик қилиши мумкин. Жамоатчилик фикри ўткинчи ҳис-туйғу ва мулоҳазалар натижаси деб у билан ҳисоблашмаслик салбий яқунга ҳам олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, жамоатчилик фикри назарий онг шакллари (ахлоқ, дин, сиёсат ва бошқалар)дан ҳам озикланади. «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради, бу шундай асосий кучки, унда кишилар ҳамжамиятидаги ҳукмронлик келиб чиқади», – деб ёзганди испан ёзувчиси Ортега Гассет. Шундай экан, жамият ҳаётини тубдан ўзгартиришда жамоатчилик фикри маълум ўринга эга.

Фан нуқтаи назаридан жамоатчилик фикрининг объекти ҳар қандай жараён, ҳодиса, воқеа ёки факт бўлавермайди. Унинг юзага келиши ва ривожланишига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Булар: манфаат, мулоҳазалилик, малакалилик кабилардир.

Мазкур омилларнинг бўлиши жамоатчилик фикрининг пайдо бўлишига олиб келади. Хусусан, манфаат бўлмас экан, жамиятда маълум бир жараён, ҳодисага эътибор ҳам берилмавермайди. Гегель айтганидек: «Манфаат – мен фақат ҳаракатланувчи, менинг ҳаракатланишимнинг субъектив ифодасидир». Шунинг учун «мен»ни ҳаракатга келтирувчи куч бу манфаатдир. Бундан ташқари, жамоатчилик фикрида мулоҳаза ва малакалилик ҳам катта ўринга эга.

Бугунги кунда республикамизда жамоатчилик фикрига алоҳида эътибор қаратилган. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-модда 1-қисмида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», дейилган бўлса, 29-модда-сида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, фикр юриштиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги баён этилган.

Дарҳақиқат, республикамизда яшовчи ҳар бир шахсга фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи берил-

Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради, бу шундай асосий кучки, унда кишилар ҳамжамиятидаги ҳукмронлик келиб чиқади.

ган. Бу эса, ўз навбатида, фикрлар хилма-хиллиги асосида жамият тараққиётини таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Демак, мамлакатимизда демократиянинг тартиб-таомиллари, шакллари менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда тараққий этиб бормоқда. Бугун фуқаро давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришга, уларнинг фаолияти юзасидан мурожаат қилишга, уни танқид қилишга, фикр билдиришга, ижтимоий фикрни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: «**Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилувчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир...**». Демократиянинг мазкур мезонлари республикамизда тўла қарор топиб, оддий фуқаро ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришда фикр эркинлигидан

фойдаланган ҳолда қатнашмоқда. У фақат демократлаштириш жараёнида қатнашиши билан чекланмай, бу борада жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳам таъсирини кўрсатмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари – сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, сайлов ва референдумлар ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Хусусан, сиёсий партиялар фикрлар ранг-баранглигига ҳисса қўшиб, жамиятда жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2007 йил 11 апрель) ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг кучга кириши (2011 йил 18 апрель) сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини олиб бориш орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини демократлаштиришдаги фаолиятини янада кенгайтди. Мамлакат ва ҳудудларнинг стратегик йўлини белгилувчи Бош вазир ва ҳокимларни лавозимига тайинлаш ёки лавозимдан бўшатишда иштирок этиш билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеи ва масъулияти ортди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришда жамоатчилик фикрини шакллантириш, ўзгартириш, ривожлантиришга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Зеро, сиёсий партиялар демократия механизмнинг марказий институти ҳисобланиб, марказ ва минтақаларда халқ ҳокимияти айнан, улар воситасида қарор топади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалланинг жамиятни демократлаштириш жараёнидаги иштироки бошқа институтларга қараганда фуқароларга тез ва осон таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Чунки халқимиз азал-азалдан маҳалла, эл-юрт билан бирга бўлишни, бунда жамоатчилик фикрининг устуворлигини қадрлаб келган.

Шундай экан, бугун халқимизнинг «маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг» деган пурҳикматли сўзларининг тагида ҳам жамоатчилик фикрининг устуворлиги кучли эканлиги сезилиб туради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Сайловлар кампанияси давомида номзоди қўйилган фуқаро тўғрисида жамоатчилик фикри шаклланади. Қайси бир номзод халқнинг «ичи»га кириб борса, унинг қалбига йўл топа олган бўлса, унга нисбатан сайловчиларнинг фикри шаклланганлигидан далилат беради. Чунончи, 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловларида сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислоҳ Каримовга овоз берганлиги бунга яққол мисолдир. Ёки юртимизда уч маротаба (1991, 1995, 2002 йилларда) бўлиб ўтган референдумларда ҳам халқимиз ўзининг ижобий жамоатчилик фикрини бериб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришга, унинг очиқлиги, шаффофлигини таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг тараққий этиши, ривожланган етакчи мамлакатлар қаторидан мустақам ўрин олиши фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, юртимизда кечаётган барча жараёнларга дахлдорлик туйғусини сезишига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришда бевосита ва билвосита иштирок этишига боғлиқ. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштириш жараёнида жамоатчилик фикрининг устуворлиги, танқидий руҳнинг кучга эгалиги бошқарувнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаб беради. Демократиянинг энг муҳим хусусиятлари ҳам очиқлик, ошкоралик, шаффофлик мезонлари билан ўлчанади. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолияти қанчалик шаффоф бўлса, коррупция ва жиноятчилик каби жамиятдаги жирканч иллатлар ҳам барҳам топиб бораверади. Халқимизнинг маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи бундай иллатларнинг пайини қирқишда жамоатчилик фикри орқали таъсирнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли бўлади. Шундай экан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштиришда жамоатчилик фикрини янада шакллантириш, унга устуворлик бериш муҳим аҳамият касб этади.

Сирож БЕРДИКУЛОВ,
подполковник.

Қонунчилик тарғиботи

Тараққиёт ҳар бир соҳага ўз таъсирини ўтказди. У туфайли турли янгиликлар амалиётга жорий этилади. Айниқса, ҳозирги техника ва технологиялар ривожланган асрда бу яққол кўзга ташланади. Шу маънода олганда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги, замонавий ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш кўзланган мақсадга эришишнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Маълумки, бирор-бир соҳага янгиликларнинг жорий этилиши билан бир қаторда мавжуд қонун-қоидаларга, белгиланган меъёрларга ҳам замон талабига мос равишда ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилади. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, шу орқали Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга муайян ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВ билан суҳбатимиз айти шу ҳақда бўлди.

– **Холматжон Аҳмедович, маълумки, сиз мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этдингиз. Унинг қабул қилинишига сабаб бўлган омиллар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.**

– Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бу, аввало, замон талаби. Ривожланаётган жамият билан ҳамқадам бўлиш, жумладан, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, бу борада юқори самарадорликка эришиш ва энг муҳими, инсонлар ҳаётини асраш долзарб вазифа ҳисобланади. Транспорт воситалари сони кундан кунга кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда бу вазифани кўнгилдагидек бажариш учун доимо изланиш, янгиликларга қўл уриш, ташаббускор бўлиш талаб этилади.

Бизнинг асосий фаолиятимиз ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат. Бунинг учун эса кўрсаткичларимизни доимий таҳлил қилиб бориш ва шунга қўра ишни янада яхшилаш чораларини кўришимиз керак. Мазкур Қонун ҳам ана шу таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган.

Барчамизга маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларида инсонларнинг ўлимига, тан жароҳати олишига сабабчи бўладиган асосий омил – белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслиқдир. Агар таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина ўтган йили юз берган йўл-транспорт ҳодисаларининг 35,3 фоизи белгиланган айти шу омил натижасида содир бўлгани ойдинлашади. Кўринадими, айнан шундай қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларни тубдан ўзгартиришимиз, бу ишга замонавий техник воситаларни жалб этишимиз лозим. Биз худди шундай иш тутдик. Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада аниқланаётган қоидабузарликлар сони ошгани ҳолда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига эришилди.

Жумладан, замонавий фоторадар ва мобиль комплексларининг қўлланилиши натижасида охириги беш йил ичида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг сезиларли даражада камайишига эришилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 506 тага камайди. Бу рақамлар ортида инсон ҳаёти, тақдири муҳим эканлигини инобат-

га оладиган бўлсак, унинг аҳамияти ва моҳияти ойдинлашади. Демак, кўраёписки, тизимга янги технологияларни жорий этиш ижобий самара беради.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлаш-

лироқ татбиқ этиш учун уларни қўллаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиш бўйича кўчма фоторадар ва мобиль комплексларини қўллаш юзасидан тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати устидан видео кузатув ва назорат

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

ган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур тизим биринчи навбатда светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмаслик ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслик ҳолатларини автоматик равишда қайд этиб боради. Бу янгилик белгиланган тезлик талабларини назорат қилиш борасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни тақозо этди.

Янги қабул қилинган қонун билан киритилган ўзгартишларга кўра махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг тақриблиги ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли ҳамда жорий этилаётган компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориш ҳолатларини автоматик тарзда қайд этиши имкониятидан келиб чиққан ҳолда, Кодекснинг 128³-модда 3-қисми иккита мустақил қисмларга ажратилди. Унга мувофиқ, транспорт воситалари белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориш учун энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдоридан жарима солиш тартиби белгиланди. Бундай ҳолатларда жарима солиш ваколати Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДЙҲХХ) мансабдор шахсларига юклатилди.

Яратилаётган тизимнинг асосий функционал вазифаридан бири тирбанд ва серкатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликларни автоматик қайд этиш ҳисобланади. Ушбу автоматик қайд этиш воситаларини ҳаётга самара-

техник воситаларини қўллаш билан бир вақтнинг ўзида аниқланган ва қайд этилган ҳуқуқбузарликлар содир этган қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш механизмининг яратилиш зарурати юзага келди.

Мазкур механизмнинг тўлақонли фаолият юритишини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни назорат қилиш ва қайд этишнинг татбиқ этилаётган автоматлаштирилган тизими самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

– **Ҳаракат иштирокчилари билиши керак бўлган энг муҳим янгиликлар нималардан иборат?**

– **Биринчидан**, автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳар қандай йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўзилган жойни, вақтни, транспорт воситасининг давлат рақами белгисини қайд этади. Лекин тизим айнан йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўлган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имкониятига эга эмас.

Битта транспорт воситасининг бир неча шахс томонидан бошқарилишига имкон берилган (ишончнома, ижара шартномаси, лизинг) айнан қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлаш ишини чигаллаштиришга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолат айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланишига салбий таъсир ўтказди. Шу сабабдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото ва видео қайд этиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган махсус техник воситалар ёрдамида ҳуқуқбузарлик аниқланганда, транспорт воситасининг эгасини маъмурий жавобгар-

ликка тортишни назарда тутовчи **17¹-модда** билан тўлдирилди. Бунда қоидабузарликнинг тақриблиги инобатга олинмаслиги, агарда транспорт воситасининг эгаси ўзининг айбсизлигини исботласа ёки қонунчиликка зид равишда транспорт воситасини бошқа шахс бошқарганлиги аниқланса, транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, автоматлаштирилган тизимнинг марказлашган ҳолда, «он-лайн» режимида ишлашини инобатга олган ҳолда, аниқланган қоидабузарликни расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

– маъмурий баённома расмийлаштирилмасдан, ДЙҲХХ мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси уч кунлик муддат ичида транспорт воситаси эгасининг но-

ҳамда транспорт воситасини ушлаб туриш сабаби барта-раф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар вақтинча ушлаб туриш назарда тутилган. Шу сабабли Кодекснинг **127-моддасига** қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Учинчидан, маълумки, илгари Кодекснинг 36, 271-моддаларига асосан маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамок) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин эди. Ушбу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилиши лозим эди.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ишга туширилиши билан қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга юборишда, маъмурий иш материалларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Натижада белгиланган муддат ўтиб кетиб, маъмурий иш тугатилади.

Биз ана шу йўналишда кўплаб хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиб чиқдик. Бир қатор ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Хитой ва Россияда маъмурий жазо қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир йилдан уч йилгача экани, бу эса айб учун жазо муқаррарлиги принципини таъминлаши маълум бўлди. Шу сабабдан Кодекснинг **36-моддасида** маъмурий жазо қўллаш муддати бир йил этиб белгиланди.

Тўртинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини автоматик равишда аниқлаш учун махсус техник воситалардан фойдаланилиши, бундай тизимнинг ўзига хослиги, бунда тақрибликнинг инобатга олинмаслиги, ваколатли органларга оид ишларнинг алоҳида кўриб чиқилиши, шунингдек, судларнинг иш ҳажмларини инобатга олган ҳолда, кодекснинг **28, 128³, 245, 248, 256 ва 294-моддаларига** қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яъни, маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд, ички ишлар ва муҳофаа органларига тааллуқли моддаларга аниқлик киритилди.

Бешинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш, қоидабузарлик бошқа шахсни умумий асосларда жавобгарликка тортиш учун Кодекснинг **321-моддасига** ҳам ўзгартишлар киритилди.

Умуман олганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс иккита янги модда билан тўлдирилиб, 13 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Уйлайманки, янги Қонун ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради.

Мансуржон РИХСИЕВ суҳбатлашди.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ОСОЙИШТА КУНЛАР ШАРОФАТИ

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъодаги катта сержант Шокир Қўлдошевнинг хонадонига ташрифимиз отахонни беҳад қувонтирди. Шокир ота бу йил саксон саккиз баҳорни қаршилади. Унинг болалиги суронли йилларга тўғри келган. Ёшлик пайтидаёқ ҳаётнинг оғир кунларини бошидан ўтказган йигит фронт ортидаги меҳнатда тобланиб вояга етди. Ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб, эл-юрт осойишталигини таъминлашдек вазифани шараф билан уддалади. Шокир ота Қўлдошев республика ИИБ ЁХББ 51-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми ўт ўчирувчиси лавозимида узоқ йиллар хизмат қилиб, нафақага чиқди.

— Бугунги фаровон кунларнинг қадрига етиш керак, — дейди Шокир ота. — Дунёнинг айрим жойларида содир бўлаётган нотинчликлар ҳақида эшитганимда она диёримизнинг тинчлиги, осмонимиз мусалфаболига кўз тегмасин, дейман. Яқинда бир гуруҳ ҳамкасбларим ва шогирдларим йўқлаб келишди. Уларнинг ташрифидан бошим кўкка етди. Ёш ходимларнинг ҳолимиздан хабар олиб келиши, биз, кексаларни эъзозлаб, ҳурмат кўрсатишдан хизматларим бесамар кетмаганини ўйлаб қувониб кетдим.



Бугун нуруний отахоннинг фарзанду набиралари ҳам жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб, эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги ва равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишяпти. Улар даврасида ўзини янада бахтли ҳис этаётган отахон юртимиздаги фаровонлик, халқимиз бахти, ёшлар камоли абадий бўлишини тилаб доимо дуо қилади.

Жорий йил Хотира ва қадрлаш куни арафасида Шокир Қўлдошев ҳам Юртбошимиз Фармонида биноан «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан тақдирланди. Отахон йўқлаб кирган кўни-кўшнларга медални кўрсатар экан: «Бу тинч осойишта кунлар шарофати», деб қўяди.

Дарҳақиқат, азалий қадриятлари доимо эъзозланадиган, юксак маънавиятни ўзларининг энгилмас кучига айланган бу заминда осойишта кунлар шарофати абадий бўлади.

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ,
сержант.

Суратда: Шокир ота Қўлдошев оила аъзолари даврасида.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Эътироф

Киши ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиб меҳнат қилса, албатта, самарага эришади, эътибор қозонади. Бугун ички ишлар идораларида ҳам ана шундай масъулиятли, фидойи ходимлар хизмат қилляпти. Уларнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлидаги хизматлари алоҳида эътироф этилмоқда.

Навоий шаҳар ИИБ паспорт бўлини маси «Энг намунали хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бўлимаси)» республика кўрик-танловида голиб деб топилди. Бу бўлини ходимлари хизматида берилган юксак баҳодир. Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бўлинида бўлди.

Навоий шаҳрининг аҳоли яшайдиган мавзесида жойлашган бўлини маси биносига кириб борар эканми, бу ердаги тартиб, саранжомлик, осойишталик эътиборимизни тортди. Кенг фойеда қўйилган стулларда турли ёшдаги фуқаролар навбат кутиб ўтиришибди. Бўлини маси ходимлари фаолияти ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида уларнинг айримларини суҳбатга тортдик.

— Кеча паспортингиз тайёр бўлди, келиб олиб кетишингиз мумкин, дея кўнғироқ қилишди, — деди ўзини Саида Турсунова деб таништирган аёл. — Барака топкурлар, овора қилишмади,

тезда янги паспортимни кўлимга тутқаздишди. Бу ерда хушмуомалали йигит-қизлар хизмат қилишаркан, суҳбатлашсанг, кўнглинг кўтарилди.

— Мен биринчи марта фуқаролик паспортини оляпман, — дея суҳбатга қўшилди ёш йигит ўзини Баҳром Истатов деб таништирар экан. — Бу ерга келиб, бўлини маси ходимларига мурожаат қилганим, ҳужжатларни тўлдирганда ёрдам берилди. Хуллас, ўн кун ўтиб, мана, бугун биометрик паспорт олдим. Ўзбекистон Республикаси паспортига эга бўлганимдан фахрланаман.

Хоналарга кирамиз. Кенг ва ёруғ, ортикча жиҳозлар кўзга ташланмайди. Замоновий мебеллар, компьютер жамланмалари ва бошқа зарур анжомлар тартиб билан қўйилган. Гарчи, ташқарида ёз иссигининг тафти сезилиб турсада, хоналардаги салқин ҳаводан кишининг баҳри очилади.

— Ёшми, кексами, ҳар бир фуқаронинг кундалик турмушда ўз таш-

ҲАР ЖИҲАТДАН МУНОСИБ

виши бор, — дейди бўлини маси бошлиғи, капитан У. Аҳадов. — Уларни куттирмасликка, мурожаатларини тезда ҳал қилишга ҳаракат қилляпти. Мурожаат этиб келганларни суратга олиш ва паспортларини олиб кетишлари учун навбат талони ташкил этилган. Унда фуқаронинг қачон келиши белгилаб қўйи-

расмийлаштириб беришди. Уларнинг етти юз нафарига яқини илк маротаба фуқаролик ҳужжатини олган 16 ёшга тўлган йигит ва қизлардир. Амал қилиш муддати ўтган, паспорти яроқсиз ҳолга келиб қолган, ҳужжатдаги маълумотларни ўзгартирмоқчи бўлган ва бошқа сабаблар билан муро-

порт тизими қоидаларига риоя этишмайди, — дейди капитан У. Аҳадов. — Ҳозиргача мингга яқин ана шундай кишиларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, ўрнатилган тартибда жарималар ундирилди. Улар орасида эҳтиётсизлик қилиб паспортини йўқотган, паспортнинг амал қилиш муддати аллақачон ўтиб кетган, рўйхатдан ўтмасдан яшаб юрган, республикамизда бўлиш қондасини бузганлар бор.

Таъкидлаш керакки, паспорт бўлини масига кела олмайдиган олтмишдан ортиқ ногирон ва кексаларга биометрик паспортлар расмийлаштирилди. Масалан, бўлини маси ходимлари Г. Валентина, М. Шодиева, Л. Шадрина, Д. Миначутдиновларнинг хонадонларига бориб, кўча аппарат ёрдамида суратга олинди, бармоқ излари туширилиб, уларга белгиланган муддатда биометрик паспортлар топширилди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ,
Навоий вилояти.

Суратда: бўлини маси бошлиғи, капитан У. Аҳадов фуқаролик паспортини топширмоқда.



лади. Ўз вақтида этиб келган фуқаро бу ерда кўп қолиб кетмайди.

Йилнинг ўтган даврида бўлини маси ходимлари ўн икки мингга яқин фуқарога биометрик паспортни

жаат қилганларга янги биометрик паспортлар берилмоқда.

— Айрим фуқароларимиз, фуқаролиги бўлмаган шахслар республикамизда амалда бўлган пас-

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

АЛДОВИГА ЛАҚҶА ТУШИШДИ

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида яшовчи 23 ёшли Т. Қудрат институтга ҳужжат топшириш ниятида жияни билан Тошкент шаҳрига келди. Нуфузли олийгоҳ олдида нотаниш кимсани учратиб, унинг ўқишга киритиб қўйиш ҳақидаги алдовига лаққа тушишди ва 5 минг АҚШ долларини қўшқўллаб топширишди.

Пулни қўлга киритган фирибгар кўп ўтмай исиз йўқолди. Ҳатто телефонини ҳам ўчириб қўйди. Алданганини тушуниб етган жабрланувчилар Тошкент шаҳар ИИББга мурожаат қилишади. Суриштирув-қидирувлар натижасида мазкур фирибгарликни содир этишда гумон қилиниб, самарқандлик Т. Улуғбек қўлга олинди.

Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

САЁҚ ЮРИШ ОҚИБАТИ

Фарғона вилояти Данғара туманида истиқомат қилувчи М. Ҳикматилла, ака-ука Ж. Ҳамид ва Ж. Ҳошимлар тайинли иш билан шуғулланмасдан кўча-кўйда ялло қилиб юришни одатга айлантиришганди. Кунларнинг бирида саёқ юрган учовлон гап талашиб, уришиб қолишди. Ҳикматилла ака-укаларга кучи етмаслигини билиб, икковининг танасига пичоқ билан жароҳат етказди.

Бундан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари тезда ака-укани шифохонага етказишди. М. Ҳикматилла эса ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида тергов ҳаракатларига жалб этилди.

ҚАДАМИ БЕЖО УШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи К. Венера туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Унинг айтишича, кимдир уйига дераза панжарасини бузиш йўли билан кириб, 12 миллион 500 минг сўм, 1050 АҚШ доллари ва саккиз турдаги заргарлик буюмларини ўғирлаб кетган.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноят тезда фош этилди. Ўғриликни шу туманда яшовчи У. Шерзод содир этганлиги маълум бўлди.

Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

ЗЎРАВОН ҲАМШАҲРИ ЭКАН

Нукус шаҳрида яшовчи К. Рухсора ва Б. Чингиз кечки пайт кўчада айланиб юришганди. Кутилмаганда уларнинг рўпарасида нотаниш йигит пайдо бўлиб, таҳдид қилди. Куч ишлатиш йўли билан уларнинг қимматбаҳо телефон аппаратларини тортиб олди-да, воқеа жойидан қочиб кетди.

Ички ишлар идоралари ходимлари ушбу жиноят нуқуслик А. Умирбой томонидан содир этилганини аниқлашди. Эндиликда у қилмиши учун жавоб бериши аниқ.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Қилмиш-қидирмиш

Хиёнат. У ҳеч қачон кечирилмаган. Хиёнат-га қўл урган кимсалар ҳар қайси даврда, ҳар қандай жамиятда қораланган. Ҳаёт бардавомлигини таъминлайдиган, жамият кўрки, таровати дея таърифланадиган аёлнинг эрига, фарзандларига қилган хиёнати, айниқса, бизда азал-азалдан энг катта гуноҳ саналган.

Ҳақиқатан ҳам, аёл кишининг хиёнати шармисорликдан ўзга нарса эмас. Маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликнинг чиркин кўриниши бу. У кишини тубанликка етаклайди, нафақат хиёнаткор инсоннинг ҳаётини барбод этади, балки яқинлари юзини ерга қаратиб, фарзандлари келажагига ҳам соя солади.

Англаб етган бўлсангиз керак, сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ушбу воқеа бевосита аёл хиёнати билан боғлиқ.

Мирали (исмлар ўзгартирилган)нинг кўлида яхшигина хунари бор, топиш-тутиши ҳам ёмон эмасди. Лекин турмуш ўртоғи Мактуба бунга қаноат қилмади. «Фалончи чет элдан бунча пул ишлаб келибди», «Гистончи дангиллама уй қуриб, яп-янги машина олибди», деявериб холи-жонига қўймади. Қараса, хотинининг ҳалибери жағи тинмайдиган, «майли, борсам бора қолай», деб ишлагани хорижга кетди. Мактуба эса уни кутиб ўтириш, уй-жойини нопок ишлардан асраш ўрнига...

Бир куни Янгиер шахридаги бозордан чиқаётган Мактубага ёшгина йигит мулозамат кўрсатди:

— Опа, узоққа борасизми? Ёрдамлашиб юборайми?

— Майли, яхши бўларди. Лекин уйим бу ердан унча узоқ эмас, — деди илтижоли оҳангда Мактуба.

Аёл йигитни зимдан кузатаркан, арз-ҳолини бошлади:

— Эрим чет элга кетган, болаларим ёш, бозор ўчарни ўзим қиламан. Жуда қийналиб кетдим, — деди уф тортиб.

Манзилга етганларига йигит ортга қайтмоқчи бўлди. Шунда Мактуба унга ялинганча деди:

— Уйимдаги сандиқни бурчакка сурмоқчи эдик, илтимос, агар малол келмаса, ёрдамлашиб юборинг.

Йигит ҳам айна шуни кутиб тургандай аёлнинг илтимосини рад этолмади. Бу пайтда уйда ҳеч ким йўқ, болалар мактабда эди. Иккови бир-бирини «тўғри тушуниб» кўнгилхушлик қилишди. Шу-шу бўлди-ю, Сойиб Мактуба-

НАҲС БОТҚОҒИ



никага тез-тез келиб турадиган бўлди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Мактубанинг бу қилмишидан хабар топганлар унга насиҳат қилиб кўришди, тўғри йўлга солмоқчи бўлишди.

— Эринг бечора оилам, бола-чақам, деб қай бир юртларда ишлаб юрибди, сен бўлсанг... — деди кўшни кампир. — Фарзандларинг эсини таниб қолди, улар олдида уялмайсанми?! Эринг қайтиб келганида унинг юзига қайси кўз билан қарайсан?

Мактуба бу насиҳатларга қўл силтаб юраверди.

Вақт — оқар дарё. Кунларнинг бирида Мирали хориждан қайтди. Яхшигина пул ишлаб келгани учун аввал рўзгорининг кам-

кўстини тўлдирди. Кейин уйини таъмирлади, яна машина олишни ҳам режалаштирди. Шунга қарамай, Мактуба хурсанд бўлиш ўрнига инжиқлик қила бошлади. Аввалига Мирали бунга эътибор бермади. Бир куни хотинининг бир ёш йигит билан кўнгилхушлик қилиб юриши ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб қолди. Бунга сезган Мактуба эрининг қачондир унинг қилиб юрган гуноҳ ишларидан хабар топишидан, бор ҳақиқатни билиш учун қистовга олишидан кўркувга туша бошлади. Уйлай-уйлай, энг мақбул чорани топгандек бўлди: «Миралини йўқотиш керак».

— Эрим чет элдан катта пул ишлаб келган, — деди Мактуба навбатдаги пин-

хона учрашувлардан бирини Сойибга. — Агар уни гумдон қилсак, уйни номингизга ўтказиб бераман. Мен энди сиз билан яшамоқчиман...

Кўп ўтмай Миралининг қариндоши тўй қиладиган бўлиб қолди. Икки фарзандини олиб, Ховос шаҳарчасига кетди. Мактуба эса касалман, мазам бўлмапти, деган баҳона билан уйда қолди. Бу Миралида шубҳа уйғотди. Болаларини қариндошиникида қолдириб, уйига қайтди.

Мирали ҳовлига кириб келганида фақат ётоқхонанинг чироғи ўчмаган эди. У уйга оёқ ўчида кириб, шахд билан ётоқхона эшигини очди ва хотинини нотаниш йигитнинг кучоғи-

да ётганини кўриб, қарахт бўлиб қолди. Бир оз муддат ўтиб, кўлини мушт қилганча Сойибга ташланди. Лекин у Миралига нисбатан анча бақувват эди. Шу сабаб Миралини уриб ерга йиқитди ва шафқатсизларча тепкилай бошлади. Мактуба эса ҳеч иккиланмай Сойибга ёрдам берди. Мирали олган танжароҳатлардан азобланиб, ярим тунда дунёдан кўз юмди.

Эртаси куни эрталаб шаҳар ИИБга бир аёл кириб келди. Кечаси номалум шахслар эрини дўппослаганини, у уйига аранг етиб келиб, кейин вафот этганини айтиб кўз ёш тўкди. Эрини бу қўйга солганларни топиб жазолашларини сўраб, ариза ёзди. Бу Мактуба эди.

«Жабрланувчи»нинг муурожаатига кўра, шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бўлимидан борган тергов-тезор гуруҳ аъзолари суриштирув-текширув ишларини олиб боришди. Асосий гувоҳ сифатида Мактубадан кўрсатма олинди. Синчков терговчилар, жиноят қидирув хизмати ходимлари воқеани яхшилаб ўрганиб, ҳақиқий ҳолатга ойдинлик киритишди. Мактуба Сойиб билан ўртасидаги ишқий муносабатлар туфайли жиноятга қўл урганини тан олди...

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Сирдарё вилояти.

Жиноятга жазо муқаррар


ШУМ НИЯТЛИ АМАКИВАЧЧАЛАР

Г. Шаҳзод (исмлар ўзгартирилган) мижозини манзилига элтиб қўйгач, ортга қайтди. Йўлда ўттиз ёшлар чамасидаги бир йигит қўл кўтарди.

— Илтимос, вокзалга олиб бориб қўйинг.

Йўловчи машинага ўтирди. Чамаси юз метрлар йўл босилгач, йигит калити тушиб қолганини айтиб, Шаҳзоддан орқага қайтишни сўради. Манзилга етганида йигит машинадан тушишга чоғланди. Шу пайт кимдир кўнғироқ қилди, шекилли, Шаҳзоднинг уяли телефони мусиқаси нотаниш йигитнинг чўнтагида янграй бошлади. Шундагина у машина магнитофони остидаги кутчада турган қимматбаҳо телефон аппарати йўқлигини билди. Сири фош бўлган йўловчи эса қарама-қарши йўлга ўтиб, жуфтани ростлади. Шаҳзод вақтни бой бермай бу ҳақда Яккасарой тумани ИИБга хабар бергач, ҳолат юзасидан тезкор-суриштирув ишлари бошлаб юборилди...

Саёҳат мақсадида Тошкентга келган фарғоналик амакиваччалар Ф. Анвар ва Г. Жавохир пойтахтдаги танишлари билан турли кафе-ларда ўтириб кайфу сафо қилишди. Навбатдаги маишатдан сўнг Диёр исмли дўстининг машинасида сайр қилишди. Бир пайт Диёр боши оғриётганини, бирор кафега кириб аччиқроқ чой ичиб оли-



ши кераклигини айтди.

— Биз машинада ўтириб турамиз, ўзинг кириб чиқавер, — деди унга ҳамроҳлари.

Бу пайтда амакиваччаларнинг чўнтаги аллақачон бўшаган эди. Шунинг учунми, Диёр кафега кириб кетгач, Анвар билан Жавохир пул топиш режасини туза бошлашди. Ўғирлик, талончилик, безорилик каби жиноятлар билан бир неча бор судланган, қинғир ишни киприк қоқмай бажаришга одатланган Жавохирга бу режани тузиш унчалик қийин бўлмади. Бироқ бундай ишга илк мартаба қўл ураётган Анвар бироз кўрқаятганини яшириб ўтирмади.

— Ака, ахир бу жиноят-ку! Келинг, шу ишни қилмайлик.

— Сен кўрқма, бу ишга аралашмайсан, — деди Жавохир унга далда бериб. — Ҳамма ишни ўзим қиламан. Фақат мени кузатиб қўйиш учун чиққандек кўринасан. Биз кетгандан кейин машинада ўтириб турасан.

Ўзининг шум режасига уни кўндиргач, йўл ёқасига чиқиб машина тўхта бошлади. Унинг тузоғига бу гал ижарага машина олиб киракшлик қилувчи Ю. Сардор илди.

— Аэропортгача.

— Ўтиринг.

Жавохир шериги билан куюк хайрлашиб, машинага ўтирди. Бироз юришгач, калити қолиб кетганини айтиб ҳайдовчига ортга қайтишни илтимос қилди...

Хуллас, бу гал ҳам киракшликнинг телефони йўқолди. Сардор дарҳол ортга қайтиб, ўғри йўловчи ва унинг шеригини излай бошлади. Шу ҳудудда хизмат олиб бораётган ЙПХ ходимларига бўлган воқеани айтиб, улардан нотаниш йигитларни суриштирди. Ҳушёр ходимлар икки йигит кафе ёнида турган «Малибу» русумли машинага ўтирганини кўрган эди. Улар биргаликда борган вақтда Жавохир ва Анвар машина эшикларини ичкаридан қулфлаб, ухлаб қолгандек ётишарди. Ходимларнинг талаби билан эшик очилди. Жавохир бу пайтда телефони гўё ҳеч кимга сездирмай ўриндиқ ортига ташлаб юборди. Бироқ холислар иштирокида олинган қимматбаҳо уяли телефон аппарати жабрланувчига тегишли экани маълум бўлгач, улар айбини инкор қилишга баҳона тополмай қолишди.

Ушбу ҳолат юзасидан Яккасарой тумани ИИБга хабар берилгач, кетма-кет содир этилган бир хил усулдаги икки жиноят ходимларни янада хушёрликка ундади. Гумон қилинувчилар билан юзлаштириш учун чақирилган Г. Шаҳзод Жавохирни бир кўришдаёқ таниб олди. Шум режасини ўзларича пухта амалга оширдик деб ўйлаган амакиваччалар эса адолатли қонун ҳукмига топширилди.

Дониёр ОТАБОВ,
катта лейтенант.
Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.

Тошкент шаҳри.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Ҳазраткул Хайруллаевич АБДУЛЛАЕВ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб, тергов идораларидан қочиб юргани учун Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1985 йилда туғилган. Самарқанд вилояти Ургут шаҳри Навбахор кўчасида яшаган.

Ҳ. Абдуллаевни кўрган, қаердалигини билганлардан Самарқанд вилояти ИИБга (0-366) 233-31-30, 233-02-64 рақамли телефонлар орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ раҳбарияти ташаббуси билан соҳага муносиб ҳисса қўшган Баходир Нуриллаевнинг хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ ЁХБ ёнғин хавфсизлиги қисмлари, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этилган кўнгилли ёнғин хавфсизлиги дружиналари иштирок этишди. Вилоят миқёсида биринчи мартаба ўтаётган тадбирга марҳум Б. Нуриллаевнинг оила аъзолари, ёру дўстлари, соҳа фахрийлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари вакиллари ташир буюрди.

Вилоят ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполков-

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИЛДИ

ник А.Бўриев тадбирни очар экан, аввало, барчани яқинлашиб келаётган энг улуғ айём билан муборакбод этиб, иштирокчиларга омад тилади. Шундан сўнг вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник Х. Зоиров сўзга чиқиб, соҳа равнақиға, ёшларни касбга садоқат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшган, ўз фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган марҳум, подполковник Б. Нуриллаевнинг фаолияти тўғрисида йиғилганларга сўзлаб берди.

Икки кун давомида кўтаринки руҳда ўтган ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича хотира турнири натижаларига кўра, ҳарбийлаштирил-



ган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида биринчи ўрин 13-ХЁХҚ терма жамоасига насиб этди. Кейинги ўринларни эса 2-ХЁХОнинг 7 ва 8-ХЁХҚ жамоалари эгаллади.

Касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ўртасида биринчи ўринга Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ 6-КЁХҚ терма жамоаси лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Жондор тумани ИИБ ЁХБ 10-КЁХҚ ҳамда Ромитан тумани ИИБ ЁХБ 8-КЁХҚ жамоалари сазовор бўлди. Шунингдек, кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари ўртасида фахрли биринчи ўринни «Газли нефть-газ қазиб чиқариш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси қўлга киритди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иккинчи, «Муборакнефтьгаз» масъулияти чекланган жамияти жа-

моаси эса учинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, терма жамоалар ёнғин ўчириш амалий спортининг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш ва бошқа шартлари бўйича ҳам ўзаро беллашишди.

Умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўрин Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг нефть қуйиш эстакадасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи қисм терма жамоасига насиб этди. Мусобақанинг ёпилиш маросимида голибларга вилоят ИИБ ЁХБ ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Санжар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
подполковник.

Бухоро вилояти.

М. ФАНИЕВ олган суратлар.

ЭНГ ЧАҚҚОНЛАР ГОЛИБ

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳар жихатдан чиниққан бўлишлари, бунинг учун эса бир неча спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб туришлари лозим. Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖ томонидан ходимларнинг спортга жалб этиш режасида уларнинг сузиш билан шуғулланиб туришлари ҳам белгилаб қўйилгани бежиз эмас.

Албатта, сузишни шунчаки ўрганиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Қачонки, мусобақалар уюштириб турилса, спортнинг бу турига қизиқувчиларнинг сони ортиши табиий. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, яқинда вилоят хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида эркин сузиш бўйича мусобақа уюштирилди. Унда 22 та жамоа иштирок этиб, 50 ва 100 метрга сузиш бўйича ўзаро беллашишди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир сузувчининг ҳаракатини диққат билан кузатиб борди.

Мусобақа якунида Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Вилоят МХХБ спортчиларига эса иккинчи ўрин берилди. Вилоят ИИБ АВБСО ходимлари шохсупанинг учинчи поғонасини банд этишди.

Голиб жамоалар, шунингдек, шахсий биринчилик бўйича энг чаққон сузувчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Улуғбек НАВРЎЗОВ,
подполковник.



▼ Футбол

ВАКИЛЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Наманган вилояти «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида хуқуқ-тартибот идоралари жамоалари ўртасида футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ИИБ Қоровул кўшинларига қарашли ҳарбий қисм, вилоят ИИБ ва бошқа хуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан иборат тўққизта жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

– Мусобақадан кўзланган асосий мақсад хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида спортнинг футбол турини янада оммалаштириш ҳамда жамоалар ўртасида ҳамкорликни оширишдан иборат, – дейди вилоят «Динамо» ЖТСЖ раисининг ўринбосари, подполковник Шавкатжон Содиқов.

Айтиш лозимки, мусобақада 150 нафардан ортқ спортчи фаол қатнашди. Ўйинларни Ўзбекистон Футбол федерациясининг малакали ҳакамлари бошқариб борди. Қизғин ва мурасиз кечган бахслардан сўнг голиблар номи эълон қилинди. Унга кўра, вилоят ИИБ терма жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни вилоят МХХБ ҳамда Давлат божхона бошқармаси жамоаси эгаллади.

Шунингдек, номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Голиблар «Динамо» ЖТСЖнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сардорбек БОЛТАБОВЕВ,
лейтенант.

▼ Армрестлинг

КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Андижон вилояти «Динамо» ЖТСЖ спорт-соғломлаштириш мажмуаси ареналарида вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси бўлим ва бўлинмалари ходимлари ўртасида армрестлинг бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақа мурасиз руҳда кечди.

Унинг якуний натижаларига кўра, Кўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги

кўриқлаш бўлими милиционери, сафдор Мансуржон Жиянбеков мутлақ голиб деб топилди. Иккинчи ўринни Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси алоҳида милиция отряди ходими, сержант Умиджон Тожиматов эгаллади. Учунчи ўрин эса Марҳамат тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимининг техник кўриқлаш пункти ҳайдовчиси, сафдор Азизбек Мирзаевга насиб этди.

Мусобақа голиблари ҳамда совриндорларига тантанали вазиятда диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Хуршидбек ЙЎЛЧИЕВ,
катта лейтенант.

Андижон вилояти.

Суратда: армрестлинг бўйича мусобақа голиблари. Муаллиф олган сурат.



▼ Мини-футбол

ҲУРМАТ, ДЎСТЛИК ВА ТАЖРИБА

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ИИБ соҳавий хизматлари ўртасида Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

Ўн та жамоа иштирок этган мазкур бахслар шиддатли ва кескин ҳужумларга бойлиги билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Айниқса, финалда юзма-юз келган туман ИИБ ҲООБ ҳамда кўриқлаш бўлими жамоаси аъзолари кўрсатган чиройли ўйинлар барчага манзур бўлди. Унда ҲООБ ходимлари рақибларидан ҳар томонлама устун эканликларини намойиш этди. Учунчи ўрин учун кечган беллашувда эса туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚБ жамоаси тергов бўлими вакилларини мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида туман ИИБ бошлиғи, подполковник А. Шермухамедов барчани Мустақиллигимиз-

нинг 24 йиллиги билан қутлар экан, бундай спорт тадбирларининг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти, қолаверса, соҳавий хизматлар ходимлари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик туйғула-



рени шакллантириб, тажрибаларини ўртоқлашиш имкониятини бериши ҳақида айтиб ўтди.

Голиб жамоалар диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шерзод АБДУСАМАНОВ.

▼ Юнон-рум кураши

ТЎРАБЕК ПОЛВОН – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Ўзбекистонлик иқтидорли полвон Тўрабек Тиркашев юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.

Босния ва Герцеговинанинг Сараево шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Тўрабек Тиркашев олтин медални қўлга киритди.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясидан маълум қилинишича, нуфузли мусобақанинг юнон-рум кураши бўйича вазни 46 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида

қатнашган ҳамюртимиз литвалик Айтис Лаугминас, грузиялик Георгий Мепишвили, қозоғистонлик Султон Олжас, ярим финалда япониялик Каито Инаба, ҳал қилувчи баҳсда туркиялик Керем Камолни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Тўрабек учун жорий йилги спорт мавсуми омадли келди. У июнь ойида Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, бронза медал билан тақдирланган эди.

Б. АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

Топқирлигингни синаб кўринг

ҚАЛБАКИ ТИЛХАТ

Якшанба оқшомида инспектор Борг диванда ётганича, одатига кўра кўзларини юмиб жаз мусиқасини тингларди. Саксофон садоларига шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто ёпиқ айвондан кириб келган сержант Глумга эътибор ҳам бермади. Глум унинг диққатини қаратиш учун тепасига келиб, томоқ кириб қўйди.

– Нима гап, сержант? – кўзларини очмасдан истамайгина сўради инспектор.

– Мерос ҳақида жиноят иши, жаноб.

– Яна мерос масаласими? – афтини буриштирди инспектор. – Хўш, тафсилотига ўтинг...

– Грэг Чебуракиснинг тўсатдан вафот этгани ҳақида, ҳойнаҳой, эшитган бўлсангиз керак.

– Ҳа, ундан нефть заводлари, терминаллар, верфлар, доклар ва яна аллақанча мол-мулк мерос бўлиб қолган, – эринчоқлик билан жавоб берди инспектор.

– Ана шу бойваччанинг қонуний меросхўри йўқ эди, – дея ҳамсухбатини қизиқтиришга уринди сержант. – Шунинг учун мол-давлатининг катта қисмини севимли жазманига қолдирмоқ-

чи эди. Аммо вафотидан бир кун олдин унинг хиёнаткорлигини билиб қолиб, васиятномасини бекор қилган. Натижада ундан қолган меросга узоқ бир қариндоши даъвогарлик қилган. Аммо бундан бир ҳафта бурун Нехороски деган альпинизм бўйича собиқ йўриқчи Чебуракиснинг тилхатини тақдим этди. Унда Грэг ўзининг ҳаётини қутқариб қолгани учун мол-мулкнинг ярмини Нехороскига қолдиришни ваъда қилган эди.

– Ҳақиқатан ҳам унинг ҳаётида шундай воқеа юз берган эканми?

– Бир нарса дейиш қийин, – елка қисди сержант. – Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, бундан йигирма йил бурун ўша Нехороски Чебуракисга Ҳимолай тоғининг ўртача баландликдаги чўққиларидан бирига чиқишида кўмаклашган. Гўёки ўшанда Чебуракис жарликка қулаб тушган.

Нехороски эса уни қутқариб қолган. Шунда қаттиқ таъсирланган Чебуракис кўллари совуқда тарашадай қотиб қолгани-

га қарамай бир парча қоғозга ҳалиги тилхатни ажи-бужи қилиб ёзган эмиш.

– Хўш, нима бўпти? – ниҳоят кўзини очиб сўради инспектор.

– Гап шундаки, Чебуракиснинг ўзи бу воқеани бирор марта ҳам тилга олмаган. Бунинг устига тилхатни ўрганган хатшунос эксперт унинг ҳақиқийлигига шубҳалана-япти. Айни пайтда экстремал шароитда ёзилган тилхат Чебуракиснинг нормал шароитдаги дастхатига ўхшамаслиги мумкинлигини ҳам таъкидлапти. Ўзингиз ҳам ўша тилхатнинг нусхасига кўз ташласангиз дегандим, – Глум шундай деб портфелини титкилашга тушди. Ниҳоят излаган нарсасини топди, шекилли, шошилиб изоҳ беришга тушди:

– Тўғри, сиёҳ хиёл бўялган, йиллар таъсирида бир оз хиралашган.

– Тилхат нусхасини қайтиб портфелингизга солиб қўяверинг. У қалбаки, – деди ишонч билан инспектор.

Савол: Нега инспектор Борг бундай қатъий хулосага келди?

Иттилоқ

«Савол» кўнглини налителого билтоқ илқ ижнлр :евоо

Бу – қизиқ!

МЕҲМОН КЕЛСА ЭШИКДАН...

Халқимизда «Меҳмон келса эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган нақл бор. Ўзбекона меҳмондўстлик борасида кундалик ҳаётимиз чоғида яхши тасаввурга эгамиз. Қолаверса, ўзимиз ҳам хонадонимизга қадам ранжида қилган меҳмонни қўлимиздан келганича сийлашга интиламиз. Хўш, бошқа халқларда меҳмон кутиш одати қанақа экан? Қуйида ана шу ҳақида озроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

ЯПОНИЯ



Японлар сизни хонадонига таклиф этса, билинги, бу чуқур ҳурмат ифодаси. Улар хонадонга киришингиз олдида сизга ёғоч пойабзал беришади. Ўзингизнинг оёқ кийимингизни ва пайпоғингизни ечиб, эшик олдида қолдиришингиз керак. Эгингиздаги пальто, плаш каби қалин кийимларингизни ҳам ечингизга тўғри келади.

Мезбон учун албатта, бирор яхши совға кўтариб боринг. Уни топшириш чоғида «Арзимас бўлса ҳам» қабилидаги бирор жумлани кўшиб қўйинг. Хонадон соҳиблари сизга совға таклиф этишса, одоб билан рад қилинг. Аммо ҳадеб қистайверишса, унда олинг.

МАЛАЙЗИЯ

Ушбу мамлакатда меҳмонни қаҳва, чой ва турли егуликлар билан сийлашади. Аммо хонадон соҳиб манзират қилмагунча, дастурхонга қўл узата кўрманг. Бу одобсизлик саналади. Меҳмондорчилик бошланганидан кейин эса ҳаддан ташқари тўқ бўлсангиз ҳам таомлардан тотиниб ўтиринг. Акс ҳолда мезбон қаттиқ ранжийди.

БОЛИВИЯ

Мазкур мамлакатда меҳмон учун алоҳида жой ҳозирланади. Меҳмон тортинмасдан овқатланиши учун шундай қилинади. Яқин қариндошлари эса хонадон аҳли билан бир дастурхон атрофида ўтириб овқатланаверади. Бундай одатдан меҳмонлар асло хижолат чекишмайди.

АНГЛИЯ

Кўни-кўшни бўлиб яшайдиган инглизлар даярли ҳар кун бир-бирининг уйида меҳмон бўлиб туришади. Бундай ташрифдан асосий мақсад дийдорлашув, ҳол-аҳвол сўраш, кундалик маҳаллий янгиликлардан бохабар бўлиш. Хуллас, мабодо сиз ҳам уларнинг хонадонига бош суқсангиз, сизни ҳам ўша кунни ўзлари учун пиширган таомлари билан меҳмон қилишади.

ГРУЗИЯ

Унча-мунча халқ меҳмоннавозлик бобида грузинларнинг олдига туша олмайди. Улар дастурхонга борини тўкиб сочишади. Муомалаларини айтмайсизми, муомалаларини. Тилларидан бол томади. Хуллас, меҳмоннинг кўнглини олишни ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисоблашади. Меҳмондорчилик давра кўшиқларисиз ўтмайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, исътефодаги старшина Паттаржон АБДУЛЛАЕВ нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.	Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби фахрийлар кенгаши раиси, исътефодаги полковник Самад САЙДОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.	ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўқув жараёнини таъминлаш батальони секция командир, шартнома асосидаги кичик сержант Эркин Ҳамраева падари бузруквори ҲАМРОҚУЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.
Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма алоқа бўлими бошлиғи, подполковник Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.	Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Когон тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Фозил САЙФУТДИНОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.	Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, исътефодаги катта лейтенант Жўракул БАВАНОВ нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ



Молиявий аҳволингиз барқарорлигига қарамай, ушбу масала ҳақида кўп қайғурасиз. Бу борада ўз қарашларингизни қайта кўриб чиқишингиз зарур. Чунки пул қўлнинг кири, мол-давлат, бойлик маънавий юксалишингизга тўғаноқ бўлмаслиги керак. Моддий неъматларнинг асирига айланиб қолишдан ўзингизни асранг. Ҳар қандай масалага турли томонлардан ёндашсангизгина, унинг асл моҳиятини тушуниб етасиз.

СИГИР



Ушбу ҳафтада шовша-шошарлик билан қарор қабул қилиб, ушбу қарор асосида ҳаракат қилсангиз, бу кейинги фаолиятингизга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун кутиб турганингиз маъқул. Ички сезгингизга таянинг, лекин ақл-идрокингизга ҳам кулоқ тутинг. Олдингизда турган масалани чуқур ўрганинг. Ҳозир муҳим қарорлар қабул қилишининг мавриди эмас.

ЭГИЗАКЛАР



Бирор мақсадингизга эриша олмаслигингиздан кўрқиб тезкорлик билан ҳаракат қиласиз. Лекин имкониятларингиздан ташқаридаги мақсад сари интилсангиз, унга етиша олмайсиз. Ҳар бир ишни ҳисоб-китоб билан амалга ошириш керак. Таваккалчилик ҳар доим ҳам кўзлаган натижага олиб келавермайди. Қандай йўл тутишни билмасангиз, ўзингиз ишонадиган инсонлардан маслаҳат сўранг.

КИСКИЧБАҚА



Ушбу ҳафтада айёрлик қилишга ҳамда бошқалар ҳисобидан фойда кўришга ўзингизда мойиллик сезасиз. Маслаҳатимиз: меҳнатдан қочманг, ҳар бир ишни пишиқ-пукта бажаринг. Шу билан бирга, ҳаддан ортиқ куч сарфлаб юборманг. Хуллас, барча нарсада меъёрни билиш керак. Ҳафта умуман олганда кўнгилли кечади. Бу, айниқса, шахсий ҳаётингизга тааллуқли.

АРСЛОН



Омадингиз чопганлиги боис энг қийин вазиятлардан ҳам муваффақият билан чиқиб кетасиз. Бироқ ҳар доим ҳам омад кулиб боқишига ишониб қолманг. Кези келганда кийинчиликларга ҳам чидашингизга тўғри келади. Ҳамиша фаол, ҳаракатчан бўлинг. Ҳозирча муҳим қарорлар қабул қилмай туринг. Янги иш бошлашингизни тавсия этмаймиз. Яхши-си, имкон топиб дам олинг.

ПАРИЗОД



Ичингиздаги қарама-қаршиликларни енгишга, ягона фикрга келишга, атрофингиздаги вазиятни тушуниб етишга қийналасиз. Ҳаётдаги воқеаларга кўпроқ эътибор берасиз. Натижада руҳий оламингиз назарингиздан четда қолади. Аслида нима хоҳлашингизни аниқлаштириб олинг. Шундагина руҳий хотиржамликка ҳамда ички уйғунликка эришасиз. Мақсадингизга етишингиз ҳам осон кечади.

ТАРОЗИ



Шу кунларда сиз учун энг муҳими – оилавий хотиржамлик. Ўз устингизда ишланг, умр мазмуни ҳақида ўйлаб кўринг. «Тўғри йўлдан кетаяпманми?» деб ўзингизга савол беринг. Айтинг-чи, бошқа одамларни тушунишга ҳаракат қилаяпсизми? Биринчи навбатда ана шунга интилинг. Шундай йўл тутсангизгина ташқи олам билан уйғунликка эришасиз ва ўзингизни хотиржам ҳис этасиз.

ЧАЁН



Бошқалардан фарқи ўларок, ушбу ҳафта сиз учун жуда ҳам муваффақиятли келади. Авваламбор, иш фаолиятингизда муваффақият қозонасиз, ўйлаган режаларингизни амалга оширасиз. Ўз кучингизга ишонишингиз, атрофингиздагиларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли янги бошлаган ишингиз бароридан келади. Ҳозир, айниқса, олдин ўйланган гоёларни амалга ошириш учун қулай пайт ҳисобланади.

ЁЙ



Янги ишга киришганингизда вазиятни ўрганинг, атрофингиздаги одамларни синчковлик билан кузатинг. Шу тариқа ким сизга ёрдам бериши ёки ким сизга халақит қилишини аниқлаштириб олинг. Юзага келган вазиятни тўғри баҳолаш олмасангиз, ҳамма кучингизни мақсадингизга эришиш учун эмас, балки бошқаларга қарши кураш олиб боришга, ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлашга сарфлайсиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Бошлаган ишингиздан воз кечманг, қатъият билан ҳаракат қилинг, курашинг. Шундагина барча ниятингизга эришасиз. Ушбу ҳафтада мақсадингизга эришингиз учун қатъиятли бўлинг. Бутун ҳафта давомида сиздан синчковлик ва сабр-тоқат талаб қилинади. Ҳозир молиявий фаолият билан шуғулланишингиз учун қулай. Ушбу ҳафтада молиявий жиҳатдан ҳам, жамиятда ҳам мавқеингиз мустаҳкамланади.

ҚОВҒА



Аниқ фикрлашингиз ва фаол ҳаракатларингиз, интилувчанлигингиз ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Аммо истакларингизга етишмасдан туриб куч-қувватингиз тугаб, чарчаб қолишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун куч ва имкониятларингизни тўғри тақсимланг, керагидан ортиқча вазифани зиммангизга олманг. Ишларни бошқаларга ҳам тақсимлаб беринг.

БАЛИҚ



Режалаштирган ишларингизни рўёбга чиқаришингиз учун имкониятларингиз етарли. Бундан ташқари, ўзгаларнинг хоҳиш-истакларини ҳам амалга ошира оласиз. Фақат кучингизни беҳудуга сарфламанг. Бошлаган ишни охиригача етказишга одатланг. Ҳаётингизда турли гоёлар туғилгани яхши, бироқ уларни бирданга эмас, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш керак.